Узбекистон Республикаси
Кашкадарё вилояти
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзил: Кашкадарё вилояти, Карши шахри,180100, Мустакиллик-2, тел. +99891-4603010
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича МВ нинг 2008 й.14 мартдаги АФ №00376 ракамли лицензиясига эга.

«OLCHAZOR AZIYA» АЖнинг
2018 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботларига
ИЗОХЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи : «Olchazor Aziya» АЖ
СТИР раками 200 672 924. ОКЕД коди 14 811.
Сана: 18.02.2019 йил.
Манзил: Шахрисабз шахри,Ипак йули кучаси 248 уй..

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Кашкадарё вилояти, Карши шахри, 7-миттитуман, 8/27-уйда жойлашган, СТИР раками 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Кашкадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори Жабборов Зариф (аудитор малака сертификати раками № 05547, МВ томонидан 23.02.2018 й. берилган) томонидан «OLCHAZOR AZIYA» АЖ нинг баланс, молиявий натижалар тугрисидаги хисоботдан иборат 31.12.2018 йил холатидаги молиявий хисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан утказдим.

Хужалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хужалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисоботлар юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «OLCHAZOR AZIYA» АЖ нинг илова килинган молиявий хисоботларини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари буйича бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хакконийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик утказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб хисоблаймиз.

Изохлар билан фикр билдириш учун асос.

Жамиятнинг 2018 йил 31 декабрь холатида ҳисобланган ягона солиқ бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиш ва молиявий ҳисоботларга тегишли тузатишлар киритиш лозим.

Изохлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изохлар билан фикр билдириш учун асос буладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий хисоботларга таьсиридан ташкари, «OLCHAZOR AZIYA» АЖ нинг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жихатлари буйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофик келади.

Аудиторлик ташкилоти рахбари : З.Эргашева

Аудитор: З.Жабборов.